

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ МИЛЛИЙ ГОЯ АСОСИДА
ТАРБИЯЛАШ ОМИЛЛАРИ**

*Жабборова Онахон Манноровна
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
Ахмедова Навбахор Шавкат қизи
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
Ўзбекистон Республикаси*

Аннотация: мақолада бошлангич синф ўқувчиларини миллий гоя асосида тарбиялаш омиллари тўғрисида фикр юритилган ва методик тавсиялар берилган.

Калим сўзлар: таълим, бошлангич, синф, ўқувчи, миллий гоя, тарбия, омил, билим, кўникума, малака, компетенция.

**FACTORS OF EDUCATION OF PRIMARY SCHOOL STUDENTS
ON THE BASIS OF NATIONAL IDEA**

*Jabborova Onaxon Mannorovna
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region
Akhmedova Navbahor Shavkat qizi
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region
Republic of Uzbekistan*

Annotation: The article discusses the factors of educating primary school students on the basis of the national idea and provides methodological recommendations.

Keywords: education, primary, class, student, national idea, upbringing, factor, knowledge, skill, qualification, competence.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсонпарварлик, эзгулик ва бунёдкорлик – миллий ғоямизнинг пойдеворидир” китобида миллий ғоянинг манбалари, асослари, омиллари ва уни тарғибот қилиш шакллари баён қилиб берилган [1]. Унда миллий ғоянинг асосий негизи сифатида қўйидагилар кўрсатилган:

инсонпарварлик;

эзгулик;

бюунёдкорлик.

Шу жиҳатдан бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя асосида тарбиялашнинг янгича ёндашувлари баён қилинган. Унга кўра, инсонпарварлик – 7-11 ёшли шахсларнинг онги ва қалбида инсонни эъзозлаш, уни қадрлаш ва ўзига хос инсоний муносабатда бўлиш маъносини англатади. Бошланғич синф ўқувчиларининг онгига инсонпарварлик ғояси ижтимоий-гуманитар фанлар воситасида сингдирилади ва уларнинг инсонпарварлик туйгулари таълим-тарбия жараёнида баҳоланиб боради. Бу ғоянинг миллийлиги шундаки, халқимизнинг асл қадриятлари асосида шаклланган ва унинг умуминсоний жиҳати бутунинсоният тақдирига даҳлдорлиги билан белгиланади. Бошланғич таълимда инсонпарварлик ғоясини сингдиришнинг аҳамияти келгуси таълим олиш жараёнида мазкур ғояни ривожлантириш билан боғлиқдир. Бошланғич синф ўқувчилари кўп ҳолларда оила билан боғлиқ бўлади. Кўпгина ота-оналар инсонийлик, инсонпарварлик ва инсонни қадрлаш тўғрисида тушунчага эга бўлса-да, фарзандларининг онгига инсонпарварлик туйғусининг шаклланганлик даражасидан бехабар бўлади. Шу сабабли бошланғич таълимда ўқувчиларнинг онгига инсонпарварлик туйғусини бирламчи шаклда шакллантириш мухим аҳамиятга эга.

Миллий ғоямизнинг иккинчи ғояси эзгуликдир. Эзгулик илк диний китобимиз “Авесто”да эзгу фикр, эзгу амал ва эзгу ният тарзида талқин қилинган. Куръони каримда “хайр” тушунчаси билан нозил бўлган.

Мазкур концепцияларга кўра, эзгулик инсоннинг онгидағи асосий тушунча бўлиб, унинг тақдирига дахлдор ҳисобланади. Бошланғич синф ўқувчиларида эзгулик ғоясини шакллантириш учун уларни ижтимоий-гуманитар фанлар воситасида тарбиялаш, лаёқатини ривожлантириш ва ҳайрли мақсадларга йўналтириш лозим бўлади. Педагог олимларнинг умумий фикрича, шахс онгида эзгулик туғма бўлади [2]. Шу сабабли бошланғич синф ўқувчиларининг туғма ғоясини ривожлантириш ва уларни тўғри шакллантириш бошланғич таълимнинг асосий вазифаларидан биридир.

Миллий ғоямизнинг навбатдаги асосий тушунчаси бунёдкорликдир. Бунёдкорлик – бу инсон характерига хос хусусият бўлиб, у туғма туйғулардан ҳисобланади. Бунёдкорлик ёвузликка қарши туриш иммунитети сифатида шахс онгида бардавом ҳисобланади. Шу жиҳатдан бошланғич синф ўқувчиларини бунёдкорлик руҳида тарбиялашнинг асослари “Тарбия” фани зиммачига тушади. Бунда ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг мустақил фикрга эга бўлишини назорат қилиш ва иқтидорини намоён қилишга эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг янгидан тақдим қилинаётган миллий ғояси умуминсоний қадриятларга асосланиши билан муҳим ҳисобланади. Чунки мазкур ғоялар бутуинсоният тақдирига оид масаладир.

Жаҳон таълим тизимида инсонпарварлик асосий тамойиллардан бири сифатида қабул қилинган ва ЮНЕСКОнинг ҳалқаро таълим дастурларида бу ғоя таълим тизимида асосий тушунча сифатида тарғибот қилинади. Айни пайтда, эзгулик ғояси диний таълимдаги асосий тушунчалардан бўлиб, унда шахснинг эътиқодини шакллантириш бирламчи ҳисобланади. Бунёдкорлик умуминсоний қадриятларга асосланган бўлиб, бугунги кунда тараққиёт тушунчаси орқали ифодаланади. Шу жиҳатдан бошланғич

таълимда ўқувчиларни миллий ғоя асосида тарбиялаш жаҳон таълим тизимидағи тажрибаларга мосдир.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, ҳар бир мамлакат ва миллатнинг ўзига хос миллий ғояси мавжуд. Мисол учун, Германияда Олмон халқининг миллий рухи, Россияда халқлар дўстлиги ва Америкада умумий биродарлик миллий ғоя сифатида қабул қилинган. Шу жиҳатдан Ўзбекистонда эълон қилинган янги асосдаги миллий ғоя жаҳон мамлакатлари тажрибасига мослиги билан ажралиб туради.

Ҳар бир мамлакатда бошланғич таълим миллий ғояга асосланади. Бу концепцияни рус педагог олими К.Ушинский ўтган асрнинг бошларида асослаб берган. Унинг фикрича, миллий ғоя асосида бошланғич таълимни амалга ошириш ўқувчиларнинг келгуси тақдири ва фаолиятида муҳим ўрин тутади. Бунда ўқувчиларнинг ўз халқи менталитетига мос равища вояга етиши асосий масаладир [3]. Шу сабабли Ўзбекистон миллий ғояси асосида бошланғич синф ўқувчиларини тарбиялаш халқимиз ва миллатимизга мос менталитет асосида вояга етказишнинг негизидир.

Бошланғич таълим машғулотларида миллий ғояга асосланган мавзулар, тадбирлар ва чораларнинг янги режасини ишлаб чиқиши тақозо этилади. Бу масалада бизнинг фикримизча, ижтимоий-гуманитар фанлар ягона Дастурга таяниши керак. Бу дастурда бошланғич синф ўқувчиларини инсонпарварлик, эзгулик ва бунёдкорлик руҳида тарбиялаш тадрижий равища ифодаланиши лозим. 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб амалга киритиш мўлжалланаётган Миллий ўқув дастурида янгидан белгиланган миллий ғоянинг асослари ўз ифодасини топиши керак.

Давлатимиз раҳбари ўз китобида қуидагиларни асослаб берган:

таълим тизимида, жумладан, бошланғич таълимда миллий ғояни устувор тушунча сифатида қабул қилиш;

ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини миллий ғоя асосида баҳолаш;

бошланғич таълимнинг самарадорлик индикаторларида инсонпарварлик, эзгулик ва бунёдкорлик ғояларини устувор билиш;

шахснинг фаолиятида самарадорлик омили сифатида миллий ғояни белгилаш.

Бу ўринда бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя асосида тарбиялашда қуидагиларга амал қилиш тавсия этилади:

ижтимоий-гуманитар фанларни миллий ғоя асосида қайтадан таснифлаш;

умумий маънавий тарбия концепцияси асосида бошланғич синф ўқувчиларини инсонпарварлик, эзгулик ва бунёдкорлик руҳида тарбиялаш режаларини ишлаб чикиш;

сирнфдан ва мактабдан ташқари тарбия режаларини миллий ғоя тушунчаларига мослаштириш;

бошланғич синф ўқувчиларининг ота-она ва ўзгаларга муносабатини шакллантиришни назоратга олиш.

Мазкур методик тавсиялар бошланғич таълимни ривожлантириш ва бошланғич синф ўқувчиларини кутилган даражада тарбиялашнинг асоси сифатида қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун, Давлатимиз раҳбарининг китобида таъкидланган “Маърифат соати” машғулотига асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу машғулотларни таниқли кишилар, санъаткорлар ва тажриба педагоглар ёрдамида ўтказиш тавсия этилади.

Шундай қилиб, бошланғич синф ўқувчиларини янги миллий ғоя асосида тарбиялаш бошланғич таълимнинг янгича концепцияси сифатида қабул қилиниши керак. Бунда педагогик тажрибалар асосида миллий асосида тарбиялашнинг методлари, технологиялари ва истиқболли йўналишлари ҳар бир синф кесимида ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Президентимиз томонидан миллий ғоя асосида ёшларни тарбиялашда “Тарбияда танаффуз бўлмайди” тамойили эълон қилинди.

Шу сабабли бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя асосида тарбиялаш мазмуни мазкур тамойил асосида янгидан ташкил этилиши керак.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Инсонпарварлик, эзгулик ва бунёдкорлик – миллий гоямизнинг пойдеворидир. –Т., 2021.
2. Мардонов Ш.Қ. Педагогик таълим жараёнида электрон-ахборот модули технологияларни ишлаб чиқишининг дидактик таъминоти. Т. 2021.
3. Жабборова О.М. Аудиториядан ташқари машғулотларда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадиий идрокини шакллантириш. Т., 2012.
4. Jabborova Onakhon Mannapovna. (2019). Psycholocial and pedagogical foundations of the formation of the artistic perception of students in secondary schools. European journal of research and reflection in educational sciences, 7(10), 9-14.
5. Jabborova Onakhon Mannapovna, Ismoilova Dilafruz Mukhiddinovna. (2020, may). Optimisation of primary education. ACADEMICIA: An international multidisciplinary research journal, 10(5), 1229-1232.
6. Mardonov Sh.K., Jabbarova O.M.. Objectives of the lessons of visual arts in primary school. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 862-870.
7. Mardonov Shukurullo Kuldashevich, Khujamkulov Umid Negmatovich, Botirova Shakhlo Isomiddinovna, Shermatova Umida Safaevna. The end to educate young people with the spirit of patriotism in the context of globalization. Journal of Critical Reviews, Malaysia, 2020, Vol.7, Issue 12, pp 166-169.
8. Mardonov Shukurullo Kuldashevich, Quttabekova Guljan Tulepbaevna. Structure and Mechanisms of Action of The Educational Cluster. International

journal of Psychosocial Rehabilitation, United Kingdom, 2020, Issue 07, pp. 8104-8111.

9. Jabborova Onakhon Mannapovna, Jumanova Fotima Uralovna, Mahkamova Shohida Rahmatullayevna. (2020). Formation of artistic perception of future teachers. International journal of pssycological and rehabilitation, 24(4), 4087-4095.
10. Mamadaliyev K.R., Jabborova O.M., Umarova Z.A., Abdullaeva B.P. Creation of a New Generation of Teaching Literature - A Requirement of Modernity // SCOPUS International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Special Issue 1, 2020.
11. Жабборова Онахон Маннаповна, Ташпулатова Диором Мукимовна, Бошланғич синф ўқитувчилариға қўйиладиган талаблар. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2021, pp 575-582
12. Gulyamova X. Boshlang'ich sinflarda o'qish darsidan umumlashtiruvchi darslarni tashkil etish. Academic research in educational sciences, Volume 2, Issue 1, 2021, pp 1052-1060
13. Жабборова О.М., Умарова З.А. Тарбия фанини кластер усулида ўқитишида педагогик конфликтларни бартараф этиш. Academic research in educational sciences, Issue 1, 2021, pp 582-587.
14. Жабборова О.М., Чимпулатова Ч.Д. Бошланғич таълимда Тарбия фанининг кластер усулида ўқитилиши. Academic research in educational sciences, Issue 1, 2021, pp 562-566.
15. Жабборова О.М., Ташпулатова Д.М. Ўзбекистон янги мағкурасининг педагогик талқини. Academic research in educational sciences, Volume 2, Issue 3, 2021, pp 584-589.
16. Умарова З.А. Бошланғич таълим дидактикаси. Academic research in educational sciences, Issue 2, 2021, pp 556-562.
17. Ochilov Fariddun Izatulloyevich, Methods of teaching natural sciences to primary school pupils on the basis of a competent. Palarch's Journal Of

Archaeology Of Egypt / Egyptology 17(6) (2020), ISSN 1567-214x. 14520-14539 бетлар.

18. Ochilov Fariddun Izatulloyevich, “Atrofimizdagি olam” va “Tabiatshunoslik” darslarini kompetensiyaviy yondashuv asosida tashkil etish jarayonini modellashtirish. The Journal of Academic Research in Educational Sciences, 1(4), (2020). ISSN 2181-1385. VOLUME 1, ISSUE 4. December 2020. Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2020: 4.804. Academic Research, Uzbekistan 2020. 624-629 бетлар.